

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШНИ  
ТАЪМИНЛАШДА ИЖТИМОЙИЙ-  
ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Республика илмий-амалий конференцияси  
материаллари тўплами**

**ТОШКЕНТ-2020**

**Миллий юксалишни таъминлашда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни. Республика илмий-амалий конференция материаллари // Масъул муҳаррир: фил.ф.д., проф. З.М.Исломов. Ўзбекистон халқаро ислом академияси. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2020. – 454 б.**

**Масъул муҳаррир:** З.Исломов – филология фанлари доктори, профессор.

**Таҳрир ҳайъати:** Ҳ.Туйчиева, М.Қаххорова, Т.Алимардонов, Ф.Равшанов, Н.Юсупова, Б.Валиев, Ҳ.Ахмедов, Ф.Рашидов, У.Маҳмудов, А.Ташанов, М.Хўжаев, Ў.Шакаров, А.Султонов.

**Тақризчилар:** И.Саифназаров – фалсафа фанлари доктори, профессор  
М.Собирова – фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ушбу тўплам Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 2020 йил 6-май куни ўтказилган “Миллий юксалишни таъминлашда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материалларини ўзида мужассам этган. Тўпламда республикамиздаги олий ва ўрта махсус ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлардан дарс берувчи профессор-ўқитувчилар, соҳа мутахассислари, шунингдек, ёш илмий тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари асосида ёзилган мақолалар жамланган.

Мазкур тўплам материалларида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажаришда ижтимоий-гуманитар фанлар томонидан бажарилиши зарур бўлган долзарб вазифалар ўз ифодасини топган. Тўплам ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчи ва педагогларнинг илмий-амалий фаолиятларини самарали ташкил этишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Тўпламга киритилган материаллардаги рақамлар, фактлар, маълумотлар ва ғоялар учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

МУСАЕВ М.	Ёшларни миссионерлик ва прозелитизм таҳдидларидан асраш давр талаби	192
НАЗИРОВ М.М.	Глобаллашув шароитида ёшларнинг миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашнинг аҳамияти	194
NORKULOVA D. Z., QILICHOVA O. Z. НИШОНОВА О.Ж.	О'zbek milliy oshxonasi va etnografiyasining uyg'unligi	196
	Этномаданиятнинг ижтимоий тарихий хусусиятлари	198
ПАРПИЕВ М.Т.	Шахс маънавий маданиятини шаклланишида ахлоқий кадриятларнинг ўрни	200
РАВШАНОВ А.С.	Маънавий мерос ва ёшлар камолоти муаммолари	203
РАСУЛОВА Н.Н., ОЧИЛОВА Ш.С.	Гуманитические взгляды мыслителей Средней Азии	205
РАНМОНОВА S. Sh.	Yoshlarni "ommaviy madaniyat" xurujidan asrash masalalari	206
РАХМОНОВ А.А.	Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириб боришнинг айрим масалалари	208
ROZIQOVA D. M.	Texnologiya fanlarini o'qitishda o'quvchilarda kasbni to'g'ri tanlashning mohiyati va istiqbollari, kasb tanlashda inson psixologiyasi	210
РАҲИМОВА Т.А.	Глобаллашув шароитида маънавиятга таҳдид солувчи омиллар	212
САДУЛЛАЕВ А.У.	Ғоявий тарбия мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг асоси	214
САЙДАЛИЕВА Н.З.	Ёшлар маънавиятини ҳимоя қилишнинг айрим масалалари	216
САНГИРОВ Б.К.	Туркистонда жаҳидчилик ғояларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши	218
САФАРОВ Ю.Ж.	Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг айрим масалалари	221
СОБИРОВА Н.Р.	Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва мустаҳкамлаш йўллари	223
SODIQOVA R.I., ХАЙТБАҲҲЕВА Ш.	Yoshlar orasida ijtimoiy beqarorlikni keltirib chiqaruvchi omillar va ularni oldini olish	226

асослаб бериши билан белгиланади. Қадриятлар шахс онгида унинг мустаҳкамлиги, яхлитлигини таъминлаб берувчи ўзига хос ўзак бўлиб келади. Бу қадриятлар тизимида шахснинг ахлоқий меъёр ва идеаллари киради. Қадриятларга муносабат инсон эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ. Нарсалар, ғоялар, турли хулқ-атвор инсонларнинг эҳтиёжларини қондириш учун восита сифатида бўлсагина қадриятлар кўринишида келади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, янги таҳдидлар, жумладан, «оммавий маданият» хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида шахс ахлоқий қадриятларининг шаклланиши ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли, бизнинг фикримча, инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Азалий қадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Ислом - ҳақиқатни англаш демақдир, у одамзотни эзгу амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади.

## **МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА ЁШЛАР КАМОЛОТИ МУАММОЛАРИ**

*Равшанов А. С.- ТИҚХММИ катта ўқитувчиси*

Маънавий мерос инсоният томонидан тарихий тажриба давомида яратилган маънавий бойликларни тўплаш ва авлоддан - авлодга етказишдир. Бу маънавий бойликлардаги у ёки бу миллатга хос бўлган белгилар мажмуи миллий меросни ташкил этади. Бугунги глобаллашув замонида ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун мисли кўрилмаган даражада кураш бормоқда. Бу курашлар саҳнасида Ўзбекистон ёшлари қалби ва онгида ўз халқи ўтмишига эҳтиром ва муҳаббат ҳиссини сингдириш долзарб вазифага айланмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиб, унинг моҳиятини англаш ёшларни тарихий анъаналар ва олийжаноб фазилатлар манбаларини, уларнинг тарихан таркиб топганлигини тушуниб олишларига кўмак беради.

Барчамизга маълумки, собиқ иттифоқ давридаги кўп йиллик “интернационалистик” сиёсат натижасида миллий маданиятлар ўз ўрнини кўпроқ Европа халқлари маданиятига бўшашиб бера бошлади, аниқроғи, уларнинг таъсири кундалик ҳаётимизга кўпроқ кириб кела бошлади. Марказнинг бир томонлама сиёсати туфайли миллий маданиятимизга муайян даражада путур етди. Асрлардан буён миллий маданиятимиз намуналари сифатида савлат тўкиб турган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Қўқон ва Хўжанд шаҳарларидаги тарихий обидаларга маълум даражада эътибор берилган бўлсада, миллий мерос борасида жиддий камчиликлар ва бирёқламаликлар мавжуд эди. Жумладан, миллий тарихий обидаларнинг қимматбаҳо безаклари Россия хазинасини бойитиш учун ташиб кетилган эди. Улар ҳозиргача Москва ҳамда Санкт – Петербург музейларининг бойлиги сифатида сақлаб келинмоқда. Ҳозирги Туркистон шаҳридаги ҳазрат Аҳмад Яссавий макбарасига тегишли дошқозоннинг ҳам Санкт – Петербург шаҳри музейига олиб кетилиши бунга ёрқин далилдир. Бу қозон жамоатчиликнинг талаб ва сўровлари натижасида 1992 йили қайтариб олиб келинди ва ҳозир бобомиз Аҳмад Яссавий макбарасига кўрк бағишлаб турибди. Бундай тарихий обидалар, қимматбаҳо безаклар Марказий Осиё республикалари тарихига алоқадор миллий меросимизнинг намуналари сифатида ўз ватанида сақланмоғи ва кўз қорачиғидек асралмоғи лозим.

Тўғри, яқин ўтмишда ҳам маданиятимиз муайян даражада юксалди, турмуш шароитимиз яхшиланди. Лекин буларнинг ҳаммаси миллий урф – одатлар билан ҳисоблашмасдан, ёппасига социалистик маданиятни жорий этиш ҳисобига кириб келди. Миллий республикаларда улкан бино ва иншоотларни қуришда ўша миллатга хос хусусиятлар ҳам ҳисобга олиниши керак эди. Бир ёқлама сиёсат натижасида миллий маданиятимиз курама

маданиятга айланиб қолаверди. Собиқ марказ эса миллий маданиятимизни оёқ ости қилиш билан бир қаторда, тарихий обидаларимизни таъмирлаш учун ҳам иттифоқ бюджетидан етарли миқдорда маблағ ажратмади. Марказга яқинроқ худудга алоқадор тарихий обидаларга миллионлаб маблағ ажратган шароитда ҳам Марказий Осиёдаги тарихий обидаларни таъмирлашга кам эътибор берилди. Масалан, ўн учинчи беш йиллик режаларида Новгород шаҳридаги тарихий обидалар ҳамда осори атиқаларни тиклаш учун 40 миллион сўм ажратиш кўзда тутилган бўлса, тарихий шухрати Новгородникидан қолишмайдиган Шаҳрисабздаги тарихий обида осори атиқаларини тиклаш учун атиги 300 минг сўм ажратиш кўзда тутилган эди, холос.<sup>1</sup> Ҳатто, халқаро ҳамжамият ЮНЕСКО ажратган катта маблағларнинг кўп қисми Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарлардаги тарихий обидаларни таъмирлаш учун етиб келмас, балки марказда қолиб кетар эди. Ҳаттоки, юртимизга ташриф буюрадиган саёҳатчи ва туристлардан тушган валюталар ҳам марказ тасарруфида эди. Мана шундай бир томонлама сиёсат натижасида тарихий обидаларимиз, миллий маданиятимиз инқирозга юз тута бошлади. Халқнинг илғор қисми бўлган зиёлиларнинг оғзини эса калтабин сиёсат боғлаб ташлаган эди. Тўғри, зиёлилар орасида жасур, миллий урф – одатлар учун курашувчи кишилар ҳам мавжуд эди, бироқ, ушбу муаммоларни кўтариб чиққан мустақил фикр соҳиблари мавжуд сиёсат қозонида қайта “тарбияланиб”, фақатгина “қолипдаги идеал”ларга содиқ бўлган манқуртларга айлантирилди. Ана шундай сиёсат натижасида бизнинг тарихий меросимиз ва миллий маданиятимиз четга сурилиб, муайян даражада ҳаётимизга мажбуран ўзга маданият тикиштирилди, миллий маънавият “дарз” кетди, аждодларимиздан қолган урф – одатларнинг бир қисми унутилди. Халқимизнинг миллий – тарихий байрамларидан кўр – кўрона воз кеча бошладик. Миллий мерос борасида қайд этилган юқоридаги ҳолатлар аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатди. Уларнинг кўпчилиги тарихий меросимизнинг кўпгина саҳифаларидан беҳабар бўлиб қолдилар, маънавий онглари эса бир ёқлама бўлиб қола бошлади. Биз ўтган тўксон йилликда меросимиз борасидаги барча фаолиятни бутунлай қораламоқчи эмасмиз. Унинг ҳам ўзига хос ютуқлари бор эди, аммо ўша тизим раҳбарларининг нотўғри сиёсати туфайли миллий маънавиятимиз қашшоқлаша борди, уни сақлаш, тарғиб қилишда бир томонламалик вужудга келди.

Табийки, Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда илгари унитилаёзган кўплаб миллий урф – одатларимиз, қадриятларимиз тикланди ва тикланмоқда. Маънавий йўқотишларимизни тиклаш борасида ҳали қилиниши керак бўлган ишларимиз талайгина.. Чунки ҳозирда ҳам ёшларимизни маънавияти билан боғлиқ жуда кўплаб муаммолар мавжуд. Шунинг учун барча халқ ва элатларни унутилган миллий – тарихий анъаналаримизни биргаликда тиклаш ишига тўла сафарбар қилмоғимиз лозим. Бу ишни амалга ошириш учун халқимизнинг онгига маънавият, миллий қадриятларимизнинг афзалликларини сингдириб боришимиз керак. Чунки маънавият ёшлар тарбиясида, миллий юксалишида жуда муҳим ўрин тутади. Узок йиллик нотўғри сиёсат натижасида биз марказдаги турмуш тарзини кўкларга кўтариб, тарихий удумларимиздан “эскилик сарқити” сифатида воз кеча бошлаган эдик. Бу маънавий йўқотишларимизнинг жабри ҳозирги кунда ҳам баъзан сезилиб туради. Энди бор кучимизни бир жойга тўплаб, йўқотган маънавий бойликларимизни қайтарайлик; асрлардан буён аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган тарихий меросимиз, анъана ва удумларимиз давр руҳи билан янада бойиб, келажак авлодга етиб борсин. Шундагина биз маънавий мерос ва маданиятимизни янги босқичга кўтарган бўламиз.

Ҳозирги даврда маънавий меросдан фойдаланиш асосида ёшларни тарбиялаш борасида илмий – социологик тадқиқ этиш лозим бўлган бир қатор муаммоли масалалар бор:

1. Маънавий меросни тиклаш, асраб – авайлаш ва келажак авлодга етказиш билан боғлиқ муаммо ва вазифалар, уларни ечиш йўллари ҳамда самарали усулларини излаб топиш.

2. Маънавий мероснинг ёшлар онги ва маънавий камолотига таъсири масалаларини таҳлил қилиш. Ана шу асосда меросимизнинг турли шаклларида фойдаланган ҳолда ёшларда ватанпарварлик ва миллий ғурурни шакллантиришнинг самарали йўллари аниқлаш.

---

<sup>1</sup> “Мулоқот” журнали 1991 йил, 1 сон, 21 бет.

3. Ёшларда Ватанга садоқат, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр – оқибатлилиқ, маъсулиятлиқ, бағрикенглиқ, каби муҳим фазилатлар ва туйғуларни шакллантиришда умуминсонийлик ва миллийлик уйғунлигини таъминлаш йўллари излаб топиш, бу жараённинг истиқболларини аниқлаш. Мазкур ишда асосий эътиборимизни муаммонинг назарий жиҳатларига қаратдик. Аммо бугунги кунда бу борада олиб борилаётган тадқиқотлар бир қатор масалаларни ойдинлаштириш имконини беради. Ушбу ишнинг мантиқий давоми ҳам ана шу тадқиқот натижаларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

## **ГУМАНИСТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ МЫСЛИТЕЛЕЙ СРЕДНЕЙ АЗИИ**

*Расулова Н. Н.- Студентка 1го курса*

*Самаркандского Государственного института иностранных языков.*

*Очилова Ш. С.-Преподаватель кафедры социально-гуманитарных наук*

*Самаркандского Государственного института иностранных языков*

Зарождение гуманистических устремлений людей основана на взаимоотношении человека и общества на различных этапах развития. Философия гуманизма предполагает, прежде всего, борьбу с силами природы, отрицательными явлениями, возникающими в ходе развития общества. Исторический процесс возникновения, формирования и развития гуманизма отражает процесс становления самого человека. Как подчеркивает Н.Д.Дараган исторический процесс является процессом очеловечения человека, процессом гуманизации и многообразных связей, возникающих между людьми в процессе их экономической, социальной, политической, культурной жизни и деятельности. Процесс гуманизации общественных отношений, отражаясь в общественном сознании, способствуют развитию идей гуманизма<sup>1</sup>.

Во второй половине XI века в культурной жизни Мавераннахра началась эпоха возрождения. Художники, писатели, философы того времени провозглашали величие человеческой личности, веру в возможности человека, в его умственные способности, силу и красоту. Такими выдающимися людьми своего времени были аль-Хорезми, аль-Фараби, Ибн Сина, Махмуд аз-Замахшари, Бахауддин Накшбанд и другие. Философ, ученый-энциклопедист Абу Наср Фараби считал, что главной целью человеческой деятельности составляет счастье. Путь к этому гуманность. Фараби описывает счастье таким образом: «Что касается стремления, исходящего из ощущения или воображения, оно встречается равным образом у всех остальных живых существ. Реализация первых умопостигаемых объектов интеллекции в человеке является его первым достижением. Они ему даны только с целью послужить ему для того, чтобы он мог достигнуть своего совершенства. Это счастье. Оно состоит в том, что человеческая душа поднимается до такого совершенства бытия. Что она больше не нуждается для своего существования в материи... Счастье это добро, искомое ради самого себя; к нему никоим образом и никогда не стремятся, чтобы добиться чего то другого»<sup>2</sup>. «По природе своей каждый человек устроен так, что для собственного существования и достижения наивысшего совершенства он нуждается во многих вещах, которые он не может доставить себе один и для достижения которых он нуждается в некоем сообществе людей, доставляющих ему каждый в отдельности какую либо вещь из совокупности того, в чем он испытывает потребность. При этом каждый человек по отношению к другому находится точно в таком положении. Вот почему лишь через объединение многих помогающих друг другу людей, где каждый доставляет другому некоторую долю, того что необходимо для его существования, человек может обрести то совершенство, к которому он предназначен по

---

<sup>1</sup> Н.Д.Дараган научная статья по специальности «Социальные науки»: «Гуманизм и исторический процесс» [Электронный ресурс]. URL: <https://cyberleninka.ru>

<sup>2</sup> Н.Ф.Дик, П.Ф.Дик. Хрестоматия по культурологии (Аль Фараби. Избранные трактаты/ Перевод с арабского. Алматы, 1994)

**МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШНИ ТАЪМИНЛАШДА  
ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ЎРНИ**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Тузувчилар:**

А.Султонов – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
Д.Худойкулова – Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мутахассиси

Босишга рухсат этилди. 26.05.2020 й.  
Қоғоз бичими 60x84 1/16.  
Times New Roman гарнитурасида терилди.  
Офсет услубида оқ қоғозда чоп этилди.  
Нашриёт ҳисоб босма табағи 28,  
Адади 50. Буюртма № 42  
Баҳоси келишув асосида

“BROK CLASS SERVIS” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳар Заргарлик кўчаси, Сегизбаева 10 а.